# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

(Боши 1-бетда).

Совет ва хўжалик органларининг ишидаги жиддий камчиликлар, ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳодисалар область экономикасини интенсивлаштириш суръатларини пасайтиришга, халқ хўжалигининг қатор тармоқларида қолоқликка олиб келди. Саккиз ой мобайнида саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари йиллик пландаги 101,9 процент ўрнига 101 процентга тенг бўлди. Меҳнат унумдорлиги секин ўсмоқда. Бундай аҳвол план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун ташвиш туғдираяпти. Халқ депутатлари Советлари ишлаб чиқаришга ўз таъсирларини кучайтиришлари, ҳар бир корхона, ҳар бир шаҳар ва район қолоқликни тезроқ бартараф этиб, белгиланган марраларга чиқиб олишлари учун ҳамма ишни қилишлари керак.

Биринчи навбатда ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлароқ фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарур. Ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстиришни планлаштиришда ҳамда план интизомига риоя қилишда жиддий нуқсонлар мавжуд. Областда социалистик хўжалик юритишнинг асосий талабларидан бири — шартнома мажбуриятлари бўйича маҳсулот етказиб беришни сўзсиз бажариш талабини бажармаётган корхоналар ҳали кўп. Реализация ҳажми бўйича саккиз ойлик план маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 97,1 процентга бажарилди. Шу кўрсаткич бўйича шартнома мажбурияти бўлган 193 корхонадан 72 таси топшириқни бажара олмади. Тўғри, уларнинг кўпчилиги умумий реализация ҳажми планини бажарди, лекин шартномада кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни бажармай, буни тайёрлаши осон бўлган ва яқин жойга жўнатиладиган маҳсулотлар ҳисобига бажарди.

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, химия заводи, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон металлургия заводи шартнома бўйича белгиланган маҳсулотларни кўплаб етказиб бермади.

Шартнома мажбуриятларига риоя қилмаслик меҳнат коллективлари ишини мушкуллаштиради, маҳсулот сифатига, корхонадаги маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Область Советларининг ижроия комитетлари корхоналар қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар улар фаолиятини назорат қилиш бўйича ўз ваколатларидан тўлароқ фойдаланишлари, раҳбарларнинг шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш соҳасидаги масъулиятларини оширишлари керак.

Олий сифат категориясидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш плани йилнинг ўтган даврида область бўйича 105,4 процент қилиб бажарилди. Бироқ, айрим корхоналар бу категориядаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш планларини мунтазам бажармай келяптилар. Ангрендаги «Резинотехника» заводи, Янгийўл пойабзал ва мебель фабрикалари, биохимия заводи, Ўрта Чирчиқ районидаги тикув фабрикаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шундай корхоналар раҳбарлари ҳам борки, улар ҳақиқий аҳволни бўяб кўрсатиш мақсадида планларни камайтириш томонига тузатадилар. Саккиз ой мобайнида 54 та корхона раҳбари шундай йўл тутди. Бу тегишли маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари томонидан назорат бўшаштириб юборилганлигининг, шунингдек меҳнат коллективларига бошчилик қилаётган депутат — раҳбарлар интизомсизлигининг бевосита оқибатидир. Шу ишда биз область план комиссиясининг принципсизлиги натижасини ҳам кўриб турибмиз. У план интизомини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб бормаяпти. Ҳолбуки, бу партиянинг асосий талабларидан биридир.

Область меҳнат коллективлари меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун мусобақага қўшилдилар. Лекин бу иш корхоналарда бўш олиб борилмоқда. Товар маҳсулот таннархини арзонлаштириш плани область бўйича бажарилмаяпти. Ўтган саккиз ойда меҳнат унумдорлигининг даражаси бултур эришилганидан паст бўлди.

Иш вақтини кўплаб йўқотиш корхоналарда меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари пастлигининг сабабларидан биридир. Бутун иш вақти йўқотилишининг 40 процентдан кўпроғини прогуллар ташкил этади. Кадрлар қўнимсизлиги муаммоси ҳам кескинлигича қолмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнатни ташкил этиш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлиги, ишчи ва хизматчиларга қулай маиший шароитлар яратилмаганлиги оқибатидир. Область Совети ижроия комитети ва жойлардаги халқ ҳокимияти органлари корхона ва ташкилотлар раҳбарларига меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, интизомни мустаҳкамлаш масалаларига етарлича эътибор бермаётганликлари, аҳолига коммунал, маиший, медицина, савдо хизмати кўрсатиш даражаси пастлиги, қатор коллективларда тарбиявий ишларнинг қониқарсизлиги эканлиги учун талабчанлик кўрсатмаяпти.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни, улар турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш Советларнинг энг муҳим ишидир. Бу соҳада кўп нарса қилинмоқда. «Б» группаси маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатлари планда белгиланганидан юқорироқдир. Лекин ҳали кўпгина моллар етишмайди. Аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун узоқдан кўпгина молларни олиб келишга тўғри келяпти. Уларни эса областимизнинг ўзида ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуддир. Областдаги 64 та корхонада кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган.

Область ижроия комитетининг сўнгги мажлисларидан бирида Янгийўл шаҳар ижроия комитети (раиси А. Анорқулов) шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантиришга раҳбарлик қилишдаги камчилик ва нуқсонлари учун, жумладан саноат корхоналари ишига эътиборсизлиги, уларга бўш таъсир кўрсатаётганлиги учун жиддий танқид қилинган эди. Шаҳар ижроия комитети кейинги уч ярим йил ичида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш масаласини 20 марта кўриб чиқди. Лекин бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича белгиланган топшириқлар бажарилмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида капитал қурилишга раҳбарликни тубдан яхшилаш зарурлиги таъкидланди. Беш йиллик уч ярим йилининг якунлари бу соҳада кўпгина камчилик ва нуқсонлар борлигини кўрсатмоқда. Асосий фондларни ишга тушириш планлари бажарилмади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари паст. Умуман область бўйича бу кўрсаткич 97,1 процент бажарилган.

Турар-жой, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилишида камчиликлар кўп. Бекобод шаҳар, Оҳангарон, Чиноз район Советлари ва айрим бошқа маҳаллий Советлар қурилишга назоратни бўшаштириб юборганлар. Умуман область бўйича турар-жойлар ҳамда социал, маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган тўққиз ойлик планни бажариш хавф остида турипти. Айниқса, 23-қурилиш трести, «Ташоблсельстрой» трестида катта қолоқликка йўл қўйилмоқда. «Ўзбекметаллургстрой» қурилиш трести ва Бекобод шаҳар қурилиш бошқармаси йилдан-йилга қурилиш-монтаж ишлари планларини бажармай келяпти.

Областда йирик қурилиш ташкилотлари тузилган. Улар тобора ортиб бораётган капитал қурилиш ҳажмларини бемалол бажара оладилар. Халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия комитетлари қурилишдаги камчиликларни қатъият билан бартараф этишлари, қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига планларнинг сўзсиз бажарилиши учун талабчанликни оширишлари, барча объектлар сифатли топширилишини таъминлашлари керак.

Область халқ депутатлари Советларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини бажаришдаги роли каттадир. Бунда деҳқончилик маданиятини ошириш, алмашлаб экишни жорий этиш, экинларни жойлаштиришда план ва давлат интизомига қатъий риоя қилиш, ер, техника, ўғитлар, ем-хашак ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланиш диққат марказида туриши керак. Лекин айрим район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик органлари, қатор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўз ишларига танқидий нуқтаи назардан ёндошмайдилар, давлат планларини бажаришдаги жиддий камчиликларга тоқат қилиб келмоқдалар. Масалан, Калинин, Оржоникидзе, Тошкент районларида (район ижроия комитетлари раислари А. Абулқосимов, Н. Тожибоев, И. Худойберганов, РАПО савети раислари Ж. Хайдаров, Т. Ортиқхўжаев, Р. Усмонова) ҳар йили сабзавот тайёрлаш бўйича планлар бажарилади. Лекин бу масалага чуқурроқ кириб борилса, кўпгина хўжаликлар давлат интизомини қўпол бузаётганликлари маълум бўлади. План асосан эртаги карам, помидор, ош лавлаги, редиска ҳисобига бажарилади. Бу районлар беш йилликнинг уч йили мобайнида давлатга белгиланганидан анча кам миқдорда сабзи, помидор, бақлажон, болгар қалампири, кабачки, резаворлар ва бошқа сабзавотлар етказиб бердилар.

Маҳсулотларнинг турлари бўйича планларни тўла ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш барча колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари учун қатъий қонун бўлиши керак. Район ижроия комитетлари буни назорат қилиб боришлари, мазкур қонунни бузувчиларни қаттиқ жавобгарликка тортишлари шарт.

«Гектарчилик» меҳнатни ташкил этишнинг социалистик принципларини қўпол бузишдир. Яқинда Тошкент районидаги «Тошкент» совхозида (директори Т. Тўхтабоев) қишлоқ хўжалиги экинлари майдони ўлчаб кўрилди. Бунда совхоз давлатдан 97 гектар ердаги экинларни яширганлиги маълум бўлди. Текшириш пайтида карталар майдони кўп ҳолларда 0,5—1 гектарни ташкил этиши аниқланди. Ҳатто 90 гектар майдонни эгаллаган маккажўхори ҳам кўпгина карталарга бўлиб ташланган. Совхознинг кўпгина участкаларида меҳнатни коллектив ташкил этиш йўлга қўйилмаган, бригада ва звенолар номигагина тузиб қўйилган. Бундай жиддий нуқсонлар учун Т. Тўхтабоев қаттиқ жазоланди. Лекин бу совхозда ва айрим бошқа хўжаликларда раҳбарлар давлат ерларини «гектарчилар»га қандай қилиб шундай бўлиб берганлар, деган қонуний савол туғилади. Нима учун буни РАПО, район ижроия комитетлари, район маъмурий органлари, депутатлар ва жамоатчилик назорат қилмайди? Бунга чек қўйиш керак.

Район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар ва совхозлар чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут, тухум етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун муайян иш олиб бормоқдалар. Шу билан бир қаторда айрим районлар, колхозлар, совхозлар чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш планларини бажариш, озуқа базасини мустаҳкамлаш учун ҳали ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланаётганлари йўқ.

Саккиз ойлик якунга кўра Оҳангарон, Ғалаба районлари, 14 та хўжалик гўшт тайёрлаш, Ўрта Чирчиқ ва Калинин районлари, 12 та хўжалик тухум тайёрлаш планларини барбод қилдилар. Қатор районларда гўшт ва тухум тайёрлаш сезиларли даражада камайиб кетди.

Айниқса, сут етиштиришда ташвишли аҳвол юз берди. Областнинг кўпгина районлари ва хўжаликларида урғочи молларни кўпайтириш ҳамда улар маҳсулдорлигини ошириш иши талабга жавоб бермайди. Қатор хўжаликларда сигирлар асоссиз равишда гўштга топшириб юборилмоқда.

Бу йил амалда барча районлар сут тайёрлаш бўйича саккиз ойлик планни бажармадилар, сут харид қилишни ўтган йилги даражадан камайтириб юбордилар. Бу соҳадаги ишлар, айниқса Оққўрғон ва Янгийўл районларида (район ижроия комитетларининг раислари А. Қосимов ва А. Қодиров ўртоқлар) ёмондир.

Ҳали ҳам чорвачиликни жадал ривожлантиришнинг асосий шарти — ем-хашак базасини мустаҳкамлашга етарлича эътибор берилмаяпти. Кўпгина районлар, колхозлар ва совхозларда озуқа экинлари парвариши ёмон аҳволда. Бедани ўриб йиғиб олиш муддатлари асоссиз равишда чўзиб юборияпти.

Кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари давлат планларини бажариш учун аҳолидан чорвачилик маҳсулотларини қиммат нархда харид қиладилар. Бу мақсадларга иш ҳақи фонди сарфланмоқда. Оқибатда хўжаликлар экономикасига катта путур етяпти, турли қонунбузарликлар учун шароит яратилмоқда. Бу масалада Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Янгийўл ва айрим бошқа районларда жиддий камчиликлар аниқланди.

Район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, мева-сабзавот маҳсулотлари агросаноат бирлашмаси, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чорвачиликдаги ишнинг аҳволини танқидий таҳлил қилиб чиқишлари, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун конкрет чоралар кўришлари, чорвачиликни ривожлантириш планларини мунтазам бажармай келаётган хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини қаттиқ жавобгарликка тортишлари зарур.

Докладчи кўпгина районларда маккажўхори донини, сабзавот, картошка, мева, узумни йиғиштириб олиш сусткашлик билан олиб борилишини таъкидлади. Уларни давлат савдосига ва умумиттифоқ фондига етказиб бериш ҳам секинлик билан амалга оширилади.

Ўртоқ Т. А. Алимов пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида гапирар экан, кейинги йилларда пахта тайёрлаш кўпайгани ҳолда унинг толасини ишлаб чиқариш талаб даражасида бўлмаганлигини уқтирди. Ҳамма жойда ҳам пахтани қабул қилиб олишда давлат стандарти талабларига риоя қилинмаяпти. Пахтани сақлаш ва қайта ишлашда нобудгарчиликларга йўл қўйилди. Айрим пахта тозалаш заводлари пахтани қайта ишлашни ўн-ўн бир ойга чўзиб юборяптилар.

Бу ҳодисаларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда область партия комитети пленумларида принципиал баҳо берилди. Пахта етиштиришни кўпайтириш, сифатини ошириш, нобудгарчиликларни камайтириш, халқ хўжалигини бу хомашёга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида шу йилдан бошлаб хўжаликлардан ҳосилни қабул қилиб олишда ҳисоб-китоблар пировард натижага: пахтанинг сифати ва ундан олинадиган толага қараб қилинади.

Область ва район агросаноат бирлашмалари пахта етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, тола олишни кўпайтириш учун комплекс ташкилий, агротехник, мелиоратив ва иқтисодий тадбирларни амалга оширишлари лозим. Уруғлик пахта етиштиришга, уруғлик чигитни тайёрлашга, унинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериш керак. Яқин йилларнинг ўзида ҳамма жойда далаларга фақат юқори репродукцияли ва биринчи классли уруғлик чигит экилиши лозим.

Янги йиғим-терим мавсуми бошланаётган, яхши ҳосил етиштирилган, техника тайёр қилиб қўйилган, сўнгги агротехник тадбирлар ўтказилган ҳозирги кунларда кўп нарса халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ташкилотчиликларига, уларнинг жойлардаги ишларга раҳбарлик қилишларига боғлиқ бўлади. Терим даврида далаларда ва тайёрлов пунктларида ишлаётган кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш маҳаллий Советларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу ишда майда-чуйда нарсалар ёки иккинчи даражали масалалар бўлмайди. Советларнинг ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига маиший ва медицина хизмати кўрсатиш бўйича доимий комиссиялар тегишли область, район бўлимлари ва бошқармалари билан биргаликда хўжаликларга мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишда ёрдам кўрсатишлари, кўчма автолавкалар, пойабзалларни ремонт қилиш бўйича устахоналар, бошқа маиший хизмат кўрсатиш хизматларининг, медицина пунктларининг график асосида ишлашини таъминлашлари лозим. Йиғим-терим оммавий бошланиб кетгунга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари, иссиқ кийим-бош, кундалик эҳтиёж молларини етарли миқдорда тайёрлаб қўйиш керак.

Шаҳарлар ва саноат марказлари меҳнаткашларини, ўқув юртлари коллективларини қишлоқдаги ишларга жалб этиш пайтида биз меҳнат ресурсларидан ноoқилона фойдаланишга йўл қўймоқдамиз. Ҳолбуки, областимиздаги қатор колхоз ва совхозларда етиштирилган ҳосил четдан ишчи кучи жалб этмай йиғиштириб олинмоқда. Бу хўжаликларда меҳнатни ташкил этиш намунали йўлга қўйилган, улар юқори рентабеллидир. Буларга мисол қилиб Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозларини ва қатор бошқа хўжаликларни келтириш мумкин.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини пахта, сабзавот, мева ҳосилини йиғиштириб олишга жалб қилишда қишлоқ ва посёлка Советларининг роли каттадир. Афсуски, кўпгина Советлар бу иш билан жиддий шуғулланмайдилар. Буни Пискент районидаги Babyelon Керовчи, Коммунистик районидаги Арғанчи қишлоқ Советлари, Оржоникидзе районидаги Салор посёлка Совети ва бошқа маҳаллий Советлар мисолида кўриш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишда, хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларидаги жиддий камчиликлар кескин танқид қилинди. Афсуски, пленумдан кейинги даврда ҳам бу соҳалардаги ишларда бирор бир ўзгариш бўлмади. Биз область савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш бошқармалари, область матлубот союзидан иш услубларини тубдан ўзгартиришларини ҳамда область Советининг келгуси сессиясида камчиликларни бартараф этиш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисида ҳисоб беришларини талаб қилишга ҳақлидирмиз.

Биз савдо ташкилотларининг моллар ишлаб чиқариш учун буюртмалар беришдаги жиддий камчиликларига тоқат қила олмаймиз. Бунинг оқибатида аҳолига зарур молларни сотишда узилишлар, шунингдек, савдо қоидасининг бузилиши ҳоллари учраб турадӣ. Айрим ижроия комитетлар, йирик саноат корхоналари, колхозлар, совхозларнинг раҳбарлари савдо шохобчаларини ривожлантириш, уларга бинолар ажратиб беришда амалий ёрдам кўрсатмаяптилар.

Шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси коллективлардаги интизомнинг аҳволи учун раҳбарларга етарлича талабчанлик кўрсатмаяптилар, маиший хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши, социалистик мулкнинг талон-тарож қилиниши, хўжасизлик, қўшиб ёзишларга ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши қатъий кураш олиб бормаяптилар.

Область турар-жой, коммунал хўжалиги бошқармаси (бошлиғи Ҳ. Аҳмедов), унинг бўлинмалари, район ва шаҳар ижроия комитетлари турар-жой фондидан фойдаланиш масалалари билан қониқарсиз шуғулланмоқдалар, йиллар давомида пишиб етилган масалаларни ҳал этмаяптилар. Турар-жой-эксплуатация идоралари иши устидан назорат бўшаштириб юборилган. Бу ерларда кишиларга қўпол муносабатда бўлиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Янги ташкил этилган область турар-жой хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзига юклатилган вазифаларни уддалай олмаяпти. Ўтган йил қишида уйларни иситиш, иссиқ сув ва газ билан таъминлашда узилишлар бўлиб турди. Бироқ, ҳозир ҳам область турар-жой-коммунал хўжалиги бошқармаси, шаҳар ижроия комитетлари ва тегишли хизматлар қишга тайёрланишда тоқат қилиб бўлмайдиган сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Ҳали ҳам гражданлар ҳуқуқларини менсимаслик, социал адолат принципларига риоя қилмаслик ҳоллари учраб турипти. Олмалиқ, Оҳангарон, Наримонов шаҳарларида, Ғалаба, Янгийўл ва бошқа районларда турар-жойларни тақсимлашда кўпдан-кўп камчиликлар аниқланди. Калинин, Бўстонлиқ, Оржоникидзе районларида шахсий иморат қуриш учун Тошкент шаҳрида яшовчиларга ҳам ер участкалари ажратиб берилган. Район ижроия комитетлари эса ер қонунчилигини бузилишига йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўрмаяптилар.

Қонунбузарлик, порахўрлик, кўзбўямачилик каби жамиятимизга зид салбий ҳодисаларга муросасизлик муҳитини яратиш жуда муҳимдир. Шу муносабат билан бир нарсага эътиборни қаратиш лозим. Одатда порахўрлик, қўшиб ёзиш ва бошқа қонунбузарликлар ҳақида гражданлар — ишчилар, колхозчилар хабар қиладилар. Советларнинг депутатлари эса бундай қонунбузарликлар ҳақида камдан-кам маълум қилишади. Ваҳоланки, халқ депутати бундай қонунбузарликларга бефарқ муносабатда бўлиши мумкин эмас.

Меҳнаткашлардан медицина хизмати, айниқса, қишлоқ жойларида ёмон йўлга қўйилганлиги тўғрисида кўпдан-кўп шикоятлар тушмоқда. Беморларга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш, касалликни аниқлашда хатоларга йўл қўйиш ҳоллари учрамоқда. Даволаш-профилактика ҳамда санитария-оқартув ишлари бўш олиб борилмоқда. Область соғлиқни сақлаш бўлими (мудири Б. У. Тошбеков), халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари, уларнинг соғлиқни сақлаш органлари бу салбий ҳодисалар рўй бераётганлиги учун бевосита жавобгардирлар. Улар аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашда кўпроқ қатъиятлик кўрсатишлари зарур.

Ҳозирги пайтда умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш бутун жамоатчилик диққат марказида турипти. Советлар партия органлари раҳбарлигида бу соҳада катта тайёргарлик ишлари олиб бордилар. Область Советининг сессиясида ушбу масала бўйича кенгайтирилган тадбирлар қабул қилинди. Лекин ўқув йилига тайёргарликни текшириш барча мактаблар, уларнинг оталиқ ташкилотлари, савдо корхоналари бу муҳим ишга зарур даражада масъулият билан ёндошмаганликларини кўрсатди.

Мактаб ислоҳотини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этиш маҳаллий Советлар, ҳар бир депутатнинг вазифасидир. Бу ҳозирги кунда ҳаммамиз — биз мактаб директори ёки трест бошқарувчиси, корхона ёки колхоз раҳбари бўлишимиздан қатъий назар мактаб эҳтиёжларини ва муаммоларини актив ҳал қилишимиз, ёш авлоднинг тарбияси учун ҳамма чораларни кўришимиз керак, деган гапдир.

Сиёсий-тарбиявий ишлар, маданий хизмат кўрсатишни, оммавий физкультура ва спортни, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни яхшилаш маҳаллий Советлар фаолиятига бевосита боғлиқдир. Бу соҳадаги вазифалар шу куннинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган.

Советлар фаолиятининг демократик формаларини қатъият билан такомиллаштириб бориш, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Айниқса, сессиялар ишини бутун чоралар билан яхшилаш муҳимдир. Чунки худди шу сессияларда Советларнинг чинакамига халқ ҳокимияти органи сифатидаги моҳияти тўла намоён бўлади.

Ангрен ва Чирчиқ шаҳар Советлари, Ўрта Чирчиқ ва Бекобод район Советлари, Оржоникидзе районидаги Чиғириқ посёлка Совети, Майский қишлоқ Совети, Ғалаба районидаги Новожизненский қишлоқ Совети ва кўпгина бошқа Советлар сессияларни ўтказишда яхши тажриба тўплаганлар. Уларда хўжалик ва маданий қурилишдаги аҳвол чуқур таҳлил этилади. Сессия қарорларини тайёрлашда барча депутатлар актив иштирок этади. Бу қарорларнинг ижроси қаттиқ назорат остига олинади.

Бироқ, қатор Советларнинг, жумладан, Пискент, Бўка, Коммунистик, Чиноз районлари Советларининг сессиялари расмиятчилик билан, танқид ва ўз-ўзини танқидсиз ўтказилишини ҳам айтмай бўлмайди. Депутат сўрови ҳуқуқидан ҳали ёмон фойдаланиляпти. Айниқса, бу қишлоқ ва посёлка Советлари фаолиятида кўпроқ учрайди. Ҳолбуки жойларда ҳал қилинмаган кўпдан-кўп муаммолар бор. Ишлаб чиқаришда ҳамда социал масалаларни кўриб чиқишдаги камчиликлар ва қонунбузарликлар ҳақида ҳам кўплаб шикоятлар тушмоқда.

Депутат бўлиш юксак шараф ва катта масъулиятдир. Шунинг учун ҳам депутатларнинг ишлаб чиқаришдаги ва жамоат ишларидаги фаолликларини янада ошириш учун алоҳида эътибор бериш зарур. Сайловчилар билан алоқани мустаҳкамлаш, улар билан мунтазам учрашиб туриш, жамоат фикрини билиш ва ифода этиш халқ депутатларининг энг муҳим вазифасидир.

Маҳаллий Советлар фаолиятини активлаштиришга доимий комиссиялар катта ҳисса қўшиши лозим. Улар сессиялар ўртасида Советлар ишини давом эттиради. Доимий комиссияларнинг назорат қилиш вазифаларини ошириш лозим. Улар корхона, ташкилот ва хўжаликлар иши устидан чуқур назоратни йўлга қўйишлари керак.

Олдинда турган вазифаларни ҳал этишда Советларга депутат группалари ва постлари катта ёрдам кўрсатадилар. Уларнинг иш самарадорлигини ошириш тўғрисида область Советининг аввалги сессиясида батафсил гап борган эди. Лекин кўпгина ижроия комитетлар бу ишда зарур даражада активлик кўрсатмаяптилар.

Ҳаёт, совет жамияти ривожланишининг бутун бориши раҳбар кадрларга юксак ва жиддий талаблар қўймоқда. Бугунги кунда совет ходимларининг қиёфасини Ленин партияси ишига чексиз садоқат, юксак ишчанлик ва аҳлоқий фазилатлар, ташкилотчилик қобилияти ва шахсий ташаббускорлик белгилаб беради. Биз буни шунинг учун эслатмоқдамизки, айрим депутатлар ишда ва турмушда камтарсизлик қилмоқдалар, хизмат вазифаларини суиистеъмол қилишга бориб етмоқдалар. Оқибатда улар ўзларига билдирилган ишончни оқламаяптилар. Шу сабабларга кўра Коммунистик районидаги Янгибозор посёлка Совети ижроия комитетининг собиқ раиси Т. Андабоев, Чиноз қишлоқ Совети ижроия комитетининг собиқ раиси И. Иброҳимов, Чиноздаги 2-автобазанинг собиқ директори М. Т. Бгатов, Коммунистик районидаги Жумабозор луб заводининг собиқ директори У. Маманқулов депутатликдан чақириб олиндилар. Ғазалкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Қўшоқов ва унинг ўринбосари Мараимов вазифаларидан бўшатилдилар.

Сайловчилар наказларини бажаришга доимий диққат эътибор бериш керак. Ҳозирги вақтгача область маҳаллий Советлари депутатларга берилган наказларнинг 82 проценти бажарилди. Яна 900 наказ шу чақириқ охиригача бажарилади.

Биз республикамиз барча меҳнаткашлари қатори Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдамиз, — деди пировардида докладчи. — Областимиз шаҳар ва районларида юбилей йили планлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақа кенг авж олиб кетди. Область халқ депутатлари Советлари иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини изчил амалга ошириш, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик услуб ва методларини такомиллаштириш учун ҳамма чораларни кўрадилар, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати, область партия комитетини ишонтирамиз.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан: Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари **Э. Ҳатамов**, халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси **Н. Ф. Шарипов**, Оржоникидзе районидаги паррандачилик совхоз-техникумининг паррандабоқари **Н. В. Акишева**, Оҳангарондаги «Сантехлит» заводининг слесари **Д. В. Лисоп**, область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи **Ж. Ж. Жамолов**, «Узбекшахтострой» трести пардозлаш ишлари қурилиш бошқармасининг бўёқчиси **Н. И. Севастьянова**, Ғалаба районидаги 53-мактабнинг ўқитувчиси **Н. Ф. Тен**, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси **Ж. Асхўжаева**, шунингдек, Калинин район халқ депутатлари Назарбек қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси **Р. Жабборова** иштирок этдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Депутатлар «XVIII чақириқ халқ депутатлари область Советининг IX ва X сессияларида қилинган докладлар ҳамда депутатларнинг нутқларида билдирилган таклифлар ва танқидий мулоҳазалар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида»ги ахборот билан танишдилар.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди.

М. М. Умарова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан область ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудири вазифасидан озод этилди.

Область ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимининг мудири қилиб аввал Янгийўл шаҳар ижроия комитетининг секретари вазифасида ишлаб келган **З. Ё. Ўрмонов** тасдиқланди.

А. Х. Путтиев Жиззах область халқ контроли комитетининг раиси қилиб тайинланганлиги муносабати билан у Тошкент область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод этилди.

Тошкент область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари қилиб аввал Тошкент область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг инструктори вазифасида ишлаб келган **В. Д. Серокуров** тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ташкилий-инструкторлик ишлар бўлимининг мудири **А. И. Шчербаков** қатнашди.

# ПАРТИЯ БИЛАН, ХАЛҚ БИЛАН МАНГУ БИРГАМИЗ

(Боши 1-бетда).

деб биладилар. СССР ёзувчиларининг биринчи съездида эълон қилинган социалистик реализм методи шунга чорлайди. Бу — Ўзбекистондаги ҳар бир ёзувчи ижодининг асосий методидир. Қалам усталари республиканинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Республика ёзувчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида очиб ташланган салбий ҳолатларга қарши курашни кучайтириш, бундай ҳолатларни тез йўқотишга бутун куч-ғайратлари билан ёрдам беришни ҳам ўз бурчи деб ҳисоблаётганлиги уқтириб ўтилди.

Пленумда Африканинг таниқли адиби Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилар уюшмасининг бош секретари Алекс Ла Гума сўзга чиқди. У уюшма номидан Ўзбекистон сўз усталарига янги ижодий муваффақиятлар тилади. Бундан чорак асрдан кўпроқ вақт муқаддам Ўзбекистон диёрида икки буюк қитъа ёзувчиларининг ҳаракати бунёдга келган эди. Совет ёзувчилари, деб таъкидлади Алекс Ла Гума, уруш келгуси авлодлар хотирасидан чиқариб ташланиши учун, планетамизда тинчлик бўлиши учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Халқлар дўстлигини тараннум этувчи асарлар яратиш, тараққиёт, бутун инсониятнинг порлоқ келажаги иши учун хизмат қилиш — адибларнинг бурчидир.

Румыния Социалистик Республикаси ижодкор ёзувчилар союзининг раҳбари Думитро Раду Попеску Ўзбекистондаги ҳамкасбларига румин адибларининг энг яхши истакларини топширди.

«Ташсельмаш» заводининг токари, КПСС XXVI съездининг делегати Ю. И. Степаненко, Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева, Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР давлат мукофоти лауреати М. Исҳоқова, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи ҳарбий советининг аъзоси—сиёсий бошқармасининг бошлиғи, генерал-лейтенант Н. А. Моисеев, Тошкент Давлат университетининг студенти Д. Ғаниева, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Т. Каипбергенов, туркман ёзувчиси Б. Худойназаров ўз нутқларида адибларнинг юксак бурчлари тўғрисида гапирдилар.

Тантанали пленум қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненкога ғоят баланд руҳ билан табрик хатини қабул қилдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

### ЎН МАШИНАДА 43 ТОННА

**КОММУНИСТИК. «Политотдел» колхозининг пахтакорлари ғўзани дефолиация қилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиб, яхши натижага эришдилар. Далалар барвақт машина теримига тайёрланди. Шунинг учун ҳам бу колхозда областда биринчилар қатори машина терими бошланди. Дастлабки куни колхоз далаларида 10 та «зангори кема» ишлади ва улар билан 43 тонна пахта терилди.**

**Механизаторлар мусобақасида колхознинг Усмон Турсунбоев бошлиқ 12-бригадаси механизатори Темир Сайфуллин пешқадамлик қилди. У биринчи куни хирмонга 7 тонна пахта тўкди. Унинг шарафига шон-шуҳрат байроғи кўтарилди.**

**Кеча районлардаги «Ленинский путь», Свердлов номли, «Ўзбекистон», «Правда» колхозларида ҳам машина теримига киришилди.**

### ҲАММАГА НАМУНА

ҒАЛАБА. «Ленинград», Энгельс номли, «Победа» колхозларининг механик-ҳайдовчилари ҳам машина теримини бошлаб юбордилар. Айниқса, «Победа» колхозида бу иш намунали ташкил этилмоқда. Хўжаликда бу йил 14 терим машинаси ишлайди. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда механизаторлар ҳосилнинг 90 процентини ўз кучимиз билан териб оламиз, деб сўз бердилар. **Ўтган куни хўжалик бўйича 32 тонна пахта терилган бўлса, шундан 30 тоннаси «зангори кема»ларда йиғиб олинди.** Механизаторлар мусобақасида Тен Руслан пешқадамлик қилди. У бир кунда 4,5 тонна «оқ олтин» терди.

### ЗАРБДОР ОТРЯДЛАР ПАХТАЗОРДА

**ПИСКЕНТ. Комсомол-ёшлардан иборат «Медик-84», «Педагог-84», «Бытовик-84» ва «Авангард» отрядлари пахтазорларга йўл олди. Мавсум давомида бундай отрядлар сони 7 тага етказилади. Уларга 700 нафар йигит-қиз уюшади. Комсомол-ёшлар йиғим-терим ишларида актив қатнашиш билан бирга оммавий-сиёсий ишларни ташкил этиш ва илғор тажрибаларни оммалаштиришда ҳам пахтакорларга ёрдам берадилар.**

### ТАШАББУС КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

ОҚҚЎРҒОН. Қишлоқ ҳунар-техника билим юрти талабалари йиғим-терим даврида «Коммунизм» колхози деҳқонларига ёрдам бериш ташаббуси билан чиқдилар. Ҳозирги кунда билим юрти ёшларидан 300 киши пахтазорларда меҳнат қилаётир. Ўтган куни уларнинг кучи билан 15 тонна пахта терилди. **Талабалар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги юбилейига қадар 300 тонна пахта теришга аҳд қилдилар.**

*«ҲОСИЛ—84»*

# ДЕҲҚОНЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Ўша куни завод ҳовлисида байрам бўлиб кетди. Олдиндаги машинага «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози далаларидан янги териб олинган «оқ олтин» ҳосили ортилган эди. Ундан кейин Дмитров номли, Ҳамза номли, Свердлов номли колхозларнинг қизил карвонлари завод ҳовлисига кириб келди. Ишчилар қабул қилиб олинган пахтани кўзларига суртишарди. Деҳқонлар қатори улар ҳам биринчи ҳосилни орзиқиб кутишган эди. Мана энди у ишчилар кўз ўнгида.

Бу йил Ғалаба райони пахтакорлари она-Ватанга 62 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғлаганлар. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номли пахта тозалаш заводида қайта ишланади, толаси бир томонга, чигити эса иккинчи томонга ажратилади.

— Бу йил тола сифатига алоҳида эътибор талаб қилинаяпти, — дейди завод директори Акбар Мадаминов. — Илгари ҳамма хўжаликларнинг пахтаси бир ғарамга жамланар эди. Ким хом пахта олиб келди, ким пишган пахта олиб келди билиб бўлмас эди. Аралаш пахтадан чиққан тола эса талаб даражасида бўлмасди. Бу йил пахта қабул қилишда янги тартиб ўрнатилди. Ҳар бир бригада, ҳар бир хўжалик учун алоҳида асфальтланган майдончалар ажратилди. Улар ўз ҳосилларини шу майдончага уядилар. Пахталаридан чиққан тола сифатига қараб кейин ҳақ оладилар. Мана энди пишган, ифлосланмаган, сифатли пахта топширишдан деҳқонларнинг манфаатдорлиги яна ҳам ошади. Деҳқоннинг пахтаси қанчалик сифатли бўлса, ундан олинадиган тола ҳам юқори сортли, пишиқ бўлади. Пировардида деҳқонга тўланадиган ҳақ ҳам ошаверади.

Заводнинг беш жойда тайёрлов пункти бор. Улардаги пахта ғарамланадиган майдончалар сони бу йил салкам 200 тага етказилди. Янгидан 24 та майдонча қурилди. Мана энди ҳамма хўжаликнинг ҳосили пешмапеш, бетўхтов қабул қилиб олинаверади, жой етарли. Ҳосилни туширувчи ва ғарамловчи техника хўжаликларга бириктириб қўйилган. Мавсум арафасида барча техника воситалари тўла ремонтдан чиқарилиб, синовдан ўтказилди. Улар ҳозир тўла қувват билан ишлаб турибди.

— Пахта толасини кўпайтириш фақатгина хомашё сифатига боғлиқ бўлмай, ускуналарнинг тўғри созланишига ҳам боғлиқдир, — дейди ремонтчи слесарь Ҳамид Йўлдошев. — Заводни капитал ремонт қилиш чоғида биз 4 та тола ажратувчи машинанинг 80 аррали камерасини 86 аррали камерага алмаштирдик. Бу тадбир бир томондан тола сифатини яхшиласа, иккинчи томондан меҳнат унумдорлигини оширяпти. Илгари 80 аррали машина ҳар соатда 640 килограмм тола ажратиб берарди. Энди 86 аррали машиналар эса ҳар соатда 688 килограмм тола ажратиб беряпти. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир машинанинг унумдорлиги 48 килограммга кўпайди. Бундан ташқари чиқиндига чиққан улюкни қайта тозалаб, маълум миқдорда тола олиш ҳам йўлга қўйилди. Янги ўрнатилган регенераторлар бу соҳада қўл келяпти.

Пахтани сифатли сақлаш учун мавжуд бешта тайёрлов пунктининг ҳаммасида қуритиш машиналари ўрнатилган. Ғарамланган пахтанинг ортиқча ҳароратини сўриб олувчи 28 та вентилятор тўла ремонтдан чиқарилди. Лаборатория пахта сифатини аниқлаб берувчи замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Илгарилари ғарамланган пахта орасидан қўлда туйнуқ очилар эди, — суҳбатга қўшилди мастер Амед Алибоев.— Бу йил туйнук очувчи махсус машина келтирилди. Янги техника кўплаб ишчи кучини иқтисод қиляпти, иш жараёнини тезлаштираяпти.

Завод ишчилари янги ҳосилни қабул қилиб олишга пухта ҳозирлик кўрдилар. Техника воситалари ва пахта сақланадиган жойлар вақтида ремонтдан чиқарилди. Завод территорияси чиройли қилиб безатилди. Шиор ва плакатлардан шу куннинг нафаси сезилиб турибди. Улар юбилей йили ҳосилини тез ва соз қабул қилиб, сифатли тола ишлаб чиқаришга, тўқимачилик саноатини мўл хомашё билан таъминлашга даъват этмоқда.

**Ж. НОСИРОВ,**
**Ғалаба райони.**

# Б О Ғ Б О Н

Саъдулла Азимовни «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида «ўзимизнинг Мичурин» деб аташади. Бу бежиз айтилмаган, албатта. У қайси ниҳолга қўл урмасин, барқ уриб ривожланади. Меваси билан элни баҳраманд этади. Ўн беш ёшлигиданоқ далага отланган йигитчага отаси Ғулом ака кўп юмушларни ўргатди.

— Меҳнат қилган кам бўлмайди, ўғлим, — деди у,— қишлоқда яшайдиган одам деҳқончиликдаги ҳамма ишларни беш қўлдек билиб олиши керак. Айниқса, ер меҳр талаб қилади. Уни ҳам тўйдирсанг, семиртирсанг, исроф қилмасанг, кўзлаган ҳосилингни оласан.

Ота ўзи сидқидилдан ишлаб ўғлига қилган ўгитларини амалда исботларди. Куз келди дегунча биргина Саъдуллалар хонадони эмас, бошқа оилалар уйлари ҳам буғдойга, қовун-тарвузга, сабзавот маҳсулотларига бисёр бўлиб кетарди. Ҳар ким ишлаган меҳнат кунига қараб коллектив хўжалик яратган маҳсулотлардан баҳраманд бўларди.

Йиллар ўтди. Ота ортидан эргашиб, деҳқончилик сир-асрорини ўрганган С. Азимов ўз умр мазмунини дала билан боғлади. У иш танламасди. Сув тараш, чопиқ, чим ўйиш, боғ боқиш, хуллас, бригадир ё звено бошлиғи қайси юмушни буюрса, шуни отаси айтганидек ҳалоллик билан бажарарди. Тез орада бақувват, ишлаб чарчамайдиган йигит меҳнати билан колхозда танилди. Кейинчалик у бир ўзи эмас, қаноти остига болаларини ҳам олди. Қудратилла, Лутфулла, Файзулла, Лолахон, Гулноралар ота ёнига киришди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач эса Шуҳратжон, Фатхилла ҳам улар сафига қўшилди.

— Ўғил-қизларим меҳнаткаш бўлиб улғайишди,— дейди Саъдулла ака мамнунлик билан,— улар аввал далада чиниқишди, кейинчалик ўқиб ҳар хил касб эгалари бўлишди. Ҳозир ҳам ишдан бўш вақтларида менга кўмаклашишади.

С. Азимовнинг умр йўлдоши Жамила опа ҳам колхозчи. У бир неча йиллардан бери ипак қуртини парвариш қилади. Келинлари Турсуной, Мунирахон, Сайёралар доимо қайноналари ёнида.

Бу оила меҳнатидан, айниқса, колхоз бригадири Шукур Маҳкамов миннатдор. У бир гектар боғни бундан

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ**

уч йил аввал кўкламда қабул қилиб олганида бригадир: «Ўтган йили шу жойдан бор-йўғи уч тонна узум топширилди, боғ ишдан чиқишига сал қолди, меҳнатингизни аямайсиз, боғни боғ қиласиз», дея илтимос қилганди. Ўшанда боғбон катта ваъда бермаган бўлса ҳам дилига шу ниятни тугиб қўйган эди. Худди шундай бўлди.

Саъдулла ака ишни токлар тагини юмшатишдан бошлади. Идизларга ҳаво, қуёш нури сингиши керак эди. Кейин боғни сувга тўйдирди. Хомток пайтида эса новдаларни сийраклатиб, қуриган зангларни олиб ташлади. Қолган новдалар кучга кириб, бақувват тортди. Узум бошлари йирик ва тоза бўлди. Боғдан уч тонна ўрнига 18 тонна ҳосил олинди.

— Ток кесишда гап кўп,— дейди С. Азимов.— Кўп йил шу ишни қилиб юрган одамнинг кўзи пишиб кетади. Қайси новдани қаеридан қирқиш, неча бўғин қолдириш, қайси новдани олиб ташлаш кераклигини яхши билиб олади. Энг муҳими новдаларни пишириб бориш, ўз вақтида озиқлантириш ва керакли пайтида сув беришни унутмаслик лозим. Боғ боққан одам унинг парваришидан ҳеч қачон эринмаслиги керак. Узум гулини тўккандан бошлаб пишиб етилгунга қадар икки-уч очиб ташланади, яъни барглар сийраклатилади. Боғ бағрига шамол тегади. Бу эса узумни касалланишдан асрайди.

Биз бригада бошлиғи Ш. Маҳкамов, боғбон Саъдулла акалар билан боғларни айланамиз. Олтиндек товланган қирмиска, каттақўрғон, хусайнизорлар кишини ўзига мафтун этади.

— Бригадамизда йигирма гектар узумзор бўлса, Саъдулла аканинг боғи алоҳида ажралиб туради,— дейди бригадир.— У ҳеч меҳнат қилишдан эринмайди, ҳосил ҳам шунга яраша бўлган.

Дарҳақиқат, бу йил Саъдулла ака боғида ҳосил мўл. Боғбоннинг аҳди ҳам юксак. У бир гектар токзордан 20 тонна узум топширишга бел боғлаган. Бу ноз-неъмат бригаданинг 400 тонналик улкан узум хирмонига қўшилиб, эл дастурхонига муносиб армуғон бўлади.

**С. ҲАСАНОВ,**
**Тошкент райони.**

* * *







● **СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи (юқорида) Шукур Маҳкамов. Бу йил баракали ҳосил етиштиришда боғ ишларига мунтазам кўмаклашган Жамила опа ва келини Мунирахонларнинг (пастдан чапда) ҳам ҳиссаси катта бўлди. Боғбон Саъдулла ака (ўнгда) ўғиллари Фатхилла ва Лутфуллаларнинг ҳам соҳибкорлик касбига меҳр қўйганлигидан беҳад хурсанд.**

**В. Портнов** фотолари.

# КОРХОНА—ИСТИҚБОЛ—МУАММО

**Тошкент халқа йўли ёнида республика мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг йирик саноат корхоналари зонаси барпо этилмоқда. Бу ерда ҳозиргача қатор ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Улар орасида «Иргидромаш» эксперименталь ирригация машинасозлиги заводининг дастлабки корпуслари ҳам бор.**

**Бу йирик корхона катта майдонни эгаллайди. Уни барпо этишдан мақсад Ўрта Осиё, Закавказьедаги барча республикалар, шунингдек Қозоғистонда барпо этиладиган сув хўжаликларини турли хил асбоб-ускуналар, машина-механизмлар билан таъминлаб туришдир. Қисқа қилиб айтганда, бу корхона коллективи қўлидан чиқаётган ирригация машиналари Ватанимизнинг Ғарбий ва Жанубий чегараларигача бўлган майдонларда олиб бориладиган мелиорация қурилишларида ишлатилади. Завод директори Турсунпўлат Мирзааҳмедович МАҲМУДОВ штатсиз мухбиримиз Виктор ЛОМОВЦЕВ билан суҳбатда корхонанинг аҳамияти, унинг истиқболи ва муаммолари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.**

— «Иргидромаш» заводи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни ҳал қилишга, айниқса, ирригация шахобчаларини барпо этишга беқиёс ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришга, барча қишлоқ хўжалиги экинларидан муттасил юқори ҳосил олинишини таъминлашга хизмат қилади. Ана шундай муҳим вазифани ҳал қилишга даъват этилган заводимиз ҳам қурилмоқда, ҳам маҳсулот бермоқда.

Корхонамизнинг биринчи навбати маҳсулот бермоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон, Эстония, Озарбайжон, Грузия мелиораторлари ва ирригаторларининг буюртмаларини бажараяпмиз. Завод иккинчи навбати қурилиши эса тугалланмоқда. Унинг биринчи қисми шу йилнинг охиригача маҳсулот бериши керак. Бу ерда асосан чўян қуйилмалари ишлаб чиқарилади.

Заводимизнинг очиқ металл омбори барпо этиляпти. Бу ерда ишлаб чиқариш программасининг бажарилишини таъминлаш учун ўнлаб минг тонна металл сақланади. Омборда юк ортиш-тушириш ишлари ниҳоят даражада механизациялашганлиги билан ажралиб туради. Ўнлаб турли-туман кранлар металл прокатларини электр пайвандлаш цехи корпусига етказиб бермоқда. Бу корпус 6 гектар майдонни эгаллаган. Ана шу ягона бино остида тўртта асосий бўлинма жойлашган: тайёрлаш, темирчилик-штамповкалаш, пайвандлаш-йиғиш, механика цехлари.

Корпус ичига ўрнатилган ғилдиракли конвейерлар бўйича металл тахталари бичиш столларига узатиб берилади. Бу ерда прокат автоматлашган қирқгичлар ёрдамида кесилади. Бу ишларнинг ҳаммаси автоматлар ёрдамида бажарилади. Ишчи эса фақатгина программани белгилаб беради ва автомат командани қандай бажараётганини кузатиб туради.

Заводимизнинг механика цехи ҳам юксак даражада механизациялашган. Бу ерда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган турли-туман асбоб-ускуналар ўрнатилган. Бундан ташқари, чет эллардан келтирилган агрегатлар ҳам ишлаб турибди. Уларнинг айримлари жуда ноёб дастгоҳлардир. Мисол учун шуни айтиш мумкинки, ишга туширилган халқасимон токарлик станогида диаметри 6 метргача бўлган деталларга ишлов бериш мумкин. Темирчилик-пресслаш цехида бир неча минг тонна куч босимига эга бўлган пресслар бор. Пайвандлаш-йиғив цехида эса 150 дан ортиқ пайвандлаш-йиғиш ҳамда пайвандлаш қурилмалари фойдаланилмоқда. Бу цехларда турли хил кранлар, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги корхоналари учун ностандарт асбоб-ускуналар, ҳар хил ёпиш плиталари, девор панеллари, қувур арматуралари, гидротехник ва технологик асбоб-ускуналар, катта ҳажмли идишлар ишлаб чиқарилади. Шуни айтиш кифояки, запор арматураларнинг кенглиги 15 миллиметрдан 2600 миллиметргача бўлади, қувурларнинг кенглиги 4,5 метргача етади. Оддий затворлар оғирлиги 30 тоннани, айримлари эса ҳатто 50 тоннани ташкил этади. Ана шу мураккаб асбоб-ускуналарни тайёрлашда Александр Михеенко бошчилигидаги комплекс бригада йиғувчи-пайвандчилари самарали ишламоқдалар.

Заводнинг биринчи навбатигина ишлаб чиқарадиган ва ишлаб чиқариши мумкин бўлган барча маҳсулотларни санаб ўтиш амри маҳол. Бунинг учун анча вақт керак бўлади. Бу ерда механика-йиғув цехлари корпуси деярли тайёр бўлиб қолди. Қуюв цехлари корпусини барпо этиш охирига яқинлашмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳам жуда ноёб, қуввати жиҳатидан унча-мунча корхоналардан қолишмайди. Завод қурилиши тугаллангач бу ерда 5 мингдан ортиқ киши ишлаши керак. Ана шу ишчиларнинг ҳар бири учун меҳнатни ташкил этишнинг давримиз талабларига жавоб берувчи иш жойлари ташкил этилади. Корхонамизнинг ҳар бир меҳнаткаши ўзининг касб маҳорати ва малакасини ошириш учун кенг имкониятларга эга бўлади. Бунинг учун барча қулайликлар яратиб берилган.

Йил охирига бориб қуюв цехлари корпуси дастлабки маҳсулотни бериши керак. Бу Ўрта Осиё республикаларида мавжуд бўлган ана шундай ишлаб чиқаришларнинг энг йириги бўлади.

У икки қаватга жойлашади. Биринчи қаватида металл эритиш учун турли хил шихталар, қолиплар, стерженлар тайёрланади. Бу ерда ҳам барча жараёнлар устидан автоматлашган система назорат олиб боради. Ўрнатилган лентали конвейерларнинг узунлиги 7 километрдан ошиқроқни ташкил этади. Корпуснинг иккинчи қаватида чўян эритишга мўлжалланган 10 тонналик индукцион печлар, яна 6 та рангли металл печи ишлаб туради. Натижада бир йўла чўян ва рангли металлар қуйилмалари ишлаб чиқарилаверади.

Ҳозирги вақтда корхонамизда мингдан ортиқ киши ишламоқда. Бу жуда кам. Яқин келажакда уларнинг сони кескин кўпайиши лозим. Шунинг учун ҳам биз янги ишчиларни, айниқса, ўрта мактабларни тугатган ёшларни коллективимиз сафига қўшилишга чақирамиз. Бу ерда ташкил этилган ўқув ишлаб чиқариш комбинатида уч ой давомида хоҳлаган ишчи касбини эгаллаш мумкин.

Ишчи - хизматчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва яхши дам олишга қаратилган жуда кўп қулайликлар вужудга келтирилади. Барча цехларда маъмурий-маиший корпуслар бўлиб, уларда бошқа хизматлар қатори ошхоналар, медицина пунктлари, душхоналар ва шунга ўхшаш муассасалар ташкил этилади. Ишга келганлар квартираларни барвақт олишлари мумкин. Ҳозирги вақтда ҳар йили 300 та квартира олиб турибмиз. Бундан ташқари, уй-жой массивимизда ўрта мактаблар, ҳунар-техника билим юрти ишлаб турибди. Болалар комбинати, корхонамизнинг ёрдамчи хўжалиги бор.

Ҳар қандай янги корхона сингари заводимизнинг ҳам кўпгина ҳал қилинмаган муаммолари бор. Бу биринчи навбатда транспорт хизматини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масаладир. Транспорт хизматининг талаб даражасида бўлмаётганлиги қатор ноқулайликларни вужудга келтирмоқда. Алоқа воситалари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Ҳатто телефон алоқаси дурустроқ йўлга қўйилмаган.

Лекин областимизнинг энг кенжа корхоналаридан бири бўлган заводимиз коллективи зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилаверади. Биз қурилиш давомида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш, буюртмаларни вақтида ва сифатли бажариш учун барча резервлар ва имкониятлардан фойдаланамиз.

## МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

БЎКА районидаги Фрунзе номли колхознинг Расул Ўринбоев бошчилик қилаётган маккажўхоричилик бригадаси аъзолари бу йил маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда бригада далаларида дон учун макка ўрими уюшқоқлик билан давом этяпти. Кеча бу бригада деҳқонлари «каҳрабо дон» етиштириш йиллик планини бажардилар. Мавжуд 45 гектар майдондаги маккажўхорининг 30 гектари ўриб-йиғиб олиниб, ўртача 60 центнердан дон олинди.

— Юбилей йилида биз ҳосилдорликни 80 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилдик,— дейди бригада бошлиғи.— Бу натижага эришиш учун бригадамизда барча имконият бор.

Ҳақиқатан ҳам бригаданинг Эгамберди Алиматов, Акбар Мирзажонов сингари механизаторлари «Херсонец» комбайнларини унумли ишлатиб, кунига беш-олти гектар ердаги маккани ўриб-йиғиб олишмоқда.

**Ҳ. АСРОҚУЛОВ.**

# ПРОФЕССОР АШРАПОВА

Профессор Муқаддам Ашраповада жарроҳлик касбига оид яхши одат бор. У операциядан бир кун олдин касал билан суҳбатлашади, уни хотиржам қилиб, асабига малҳам бахш этади.

Бугун ҳам худди шундай бўлди. «Улуғ Ватан уруши қатнашчилари палатаси» деб аталган хонада кекса бир бемор ётарди. Сергей Коробов уруш ва меҳнат ветерани. У Уралдан тошкентлик машҳур профессорнинг довруғини эшитиб, даво излаб келган.

— Сергей Петрович, қалай бардаммисиз, шикоятлар борми? — юзланди профессор.

— Раҳмат, Муқаддам Ашраповна! Сизнинг олтин қўлларингиздан даво излаб келганман. Ўзим-ку ҳали бардамман, лекин лаънати уруш асоратлари. Мана, қирқ йил азоб чекаман, лекин энди оғриқ тинчлик бермаяпти.

Профессор палата ординатори узатган рентген плёнкасини яна бир кўздан кечирди. Касаллик тарихини эринмай варақлади, беморни синчиклаб яна бир бор назоратдан ўтказди. Ҳа, унинг ранги захил, нафаси тезлашган ва оғриқли, буларнинг устига снаряд парчаси ўнг ўпканинг паст қирғоғида. Ўхтин-ўхтин йўтал пайтида бемордан қон ҳам кетарди.

Муқаддам Ашраповна беморнинг фикрини бошқа мавзуга бурмоқчи бўлдими, ҳар қалай:

— Сергей Петрович, сиз қайси фронтда жанг қилгансиз?

— 4-Украина фронтида. Уруш тугаши арафасида эса оғир ярадор бўлдим.

— Ие, ҳали биз қуролдошлар эканмиз-ку, мен ҳам ўша фронтда, 2624-ҳарбий госпиталда врач эдим. Демак бизлар жанговар дўстлар эканмиз. Ҳеч ташвиш қилманг, ҳали Сиз тамомила соғайиб кетиб, яна меҳнатга қайтасиз.

Бир зум ўз касаллигини ёддан чиқарган беморнинг кўзларида ёш қалқди. Бу ишонч, қувонч ёшлари эди...

Профессор ўз кабинетига кирди, ҳозиргина кўрган бемори унга ўтмишини эслатди...

...Куни кечагидек унинг ёдида. 1941 йил 21 июнь. Тошкент Медицина институтида охирги давлат имтиҳони бўлди. Ўз тенгкурлари, курсдошлари қаторида унга ҳам шифокорлик дипломи берилди. Унинг қалбидаги улкан режа — хирург бўлиш орзуси ушалганди. Машҳур профессор — жарроҳ Михаил Сергеевич Астровга шогирд бўлиш нияти бор эди.

Эрта тонг у ширин хаёллар билан уйғонди, кунлик одати бўйича уйдагиларни уйғотиб юбормаслик учун радиони охиста буради. Ҳозир тонгги концерт янграйди. Йўқ, бугун ундай бўлмади. Радиодан у мудҳиш уруш хабарини эшитди...

Ҳаммаёқ сукунат, ҳамма ерда тўсатдан сафарбарлик. Узун сочларини турмаклаб олган Муқаддам тантанали битирув кечасига дея тиктирган хонатлас кўйлагини олди-ю яна шкафга илди, у институтга, комсомол комитетига дўстлари, дугоналари олдига шошиларди. Ватан тақдири ҳал бўлаётган ўша кунларда Муқаддам ҳам ўз ўрнини фронтда, жангу жадалларда ярадор бўлганларга ёрдамда деб билди. Институт бош ўқув корпусига кираверишда у ўз илк устози, факультет декани, машҳур уролог олим Д. А. Введенскийга дуч келди. Якшанба куни илм даргоҳида бўлишидан бир қадар таажжубланган устоз шогирдига юзланди,

— Қизим, яхши учраб қолдингиз, Сизни ўқишни давом эттиришга шу ерда қолдиришга тавсия этдик.

— Раҳмат, домла, мен комсомол йўлланмаси билан район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилмоқчиман.

Декан ўз шогирдининг бу ватанпарварлик туйғусидан ўта мамнун бўлса-да, унга маслаҳат берди.

— Қизим Муқаддам, ғалабага улушни фронтда ҳам, фронт орқасида ҳам қўшса бўлади. Сен зарур бўлсанг, ҳарбий комиссариатдагилар ўзлари чақирадилар, — деди олим Муқаддамни янада яқин кўриб сенлашга ўтаркан.

Муқаддам Ашрапова эртасигаёқ район ҳарбий комиссариатига борди. Ҳарбий комиссар ҳозирча фронт орқасида шифокорлик қилишни тавсия этди. Муқаддам республика соғлиқни сақлаш Халқ Комиссариатига борди. Халқ Комиссарлигининг кадрлар бўлими бошлиғи бу ёш шифокорга Тожикистонга бориб ишлашни, у ерда врачларга эҳтиёж катталигини алоҳида таъкидлади.

Шундай бўлди ҳам. Ёш шифокор Тожикистоннинг Ленинобод областида, Конибодом районида, Қароқчиқум қишлоқ пунктида ишлади. Конибодом район Соғлиқни сақлаш бўлимига бошчилик қилди. 1941—42 йилларда маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган ич терламаси, тошмали терлама ва безгак касаллигини даволашда жонбозлик кўрсатди. Иш фаолияти давомида у Ҳарбий Комиссариатга тез-тез мурожаат қилиб турди. Ниҳоят, 1943 йил 13 февралда у Шимоли-Ғарбий фронтга врач бўлиб сафарбар этилди. У Старая Русса яқинидаги Сушки қишлоғида госпиталда ишлай бошлади.

Кейинчалик Курск ёнидаги жанглар муваффақиятли тугаллангандан сўнг ҳарбий шифокор — 1 Украина фронти қошидаги 155-ўқчи дивизиянинг, 786-ўқчи полкига кичик ҳарбий врач қилиб тайинланди...

Курск ёнидаги жангларда қаҳрамонлик кўрсатган солдат ва офицерларни 1944 йил 8 март куни полк штабига йиғдилар. Унутилмас ва қувончли дамлар шу эдики, полк командири полковник И. П. Капров Муқаддам Ашраповани ўз она тилида — ўзбекча табриклаб унга биринчи Ватан мукофотини «Жанговар хизматлари учун» медалини топширди. Кейин билса, полк командири ҳам Тошкентда яшаган, ўқиган ва шу ердан сафарбар этилган экан.

Ўзбек қизи Муқаддам Ватаннинг муқаддас тупроғини қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар озод этишда қатнашди. Ғалаба кунларини эса у Чехословакия тупроғида кутиб олди. Уруш тугагач ғолиблар қаторида шифокор ўз она шаҳри — Тошкентга қайтди. Ҳарбий хизмат капитани Муқаддам Ашрапова ҳарбий округ тавсияси билан Тошкент Давлат университетидаги ҳамширалар тайёрлаш курсида дарс берди. 1945 йили у ҳарбий хизматдан запасга чиқарилиб, ўзи ўқиган Тошкент медицина институтига врач сифатида ишга қабул этилди. Ҳарбий шифокорнинг эзгу мақсади етук жарроҳ бўлиш эди.

Бўлажак хирург аввало машҳур профессор М. С. Астров қўл остида ишлади. У бошлиқ клиникада ординаторлик қилди, мураккаб операцияларга «қўлни ўргатиш» билан бирга илмга берилди ва 1953 йили кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳарбий хирурглар, етук олимлар Муқаддамнинг илмий ишига юксак баҳо бердилар.

Яна ўқиш, яна изланиш, яна бедор кечалар... Муқаддам Ашраповна энди докторлик диссертацияси устида иш олиб борарди. Унинг устози машҳур жарроҳ М. П. Постолов унга бу борада оталарча ёрдам берди. 1964 йилга келиб Муқаддам Ашрапова докторлик диссертациясини ёқлади.

1966 йил ўзбек олимасига ТошМИнинг жарроҳлик клиникаси ва кафедрасига мудирлик қилиш каби шарафли ҳамда ўта масъулиятли вазифа топширилди. Шу касб Муқаддам Ашраповани республикада хизмат кўрсатган врач, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби сифатида элга танитди.

Коммунист Муқаддам Ашрапова Жанговар Қизил юлдуз, Ҳурмат белгиси орденлари, қатор медаллар билан тақдирланди. Олима шу кунгача кўплаб фан кандидатларини камол топтирди...

Ўзи эса касбни улуғлаши, тинимсиз изланиш, ижодий меҳнат, амалий тажрибани бойитиш туфайли баркамол, йирик шифокор сифатида эл-юртнинг муносиб тақдирига, эътирофига, иззат-икромига сазовор бўлди.

**Атаулла ОҚИЛОВ,**
**профессор.**

## ФАНИМИЗ МАШЪАЛЛАРИ

## ЯНГИ ЦЕХ

Меҳнаткашларнинг вақтларини тежаш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида «Химчистка» бирлашмасининг Тошкент фабрикасида гилам ва палос, шунингдек юмшоқ мебелларни тозалаб берадиган махсус цех очилди. Цех ихтиёрига махсус машиналар ажратилган. Улар телефон орқали буюртма берилгач, хонадонларга келиб буюмларни олиб кетадилар ва тез фурсатда сифатли тозалаб берадилар.

# ОНА ИЗИДАН

**ЯНГИЙЎЛ** районидаги Назарали Ниёзов номли колхозда Нурматовлар хонадонини чорвадорлар оиласи сифатида фахр билан тилга олишади. Оила бошлиғи М. Нурматов кўп йиллардан буён колхоз сут-товар фермасида механик бўлиб ишлайди. Касбига меҳр қўйганлиги, фермадаги хилма-хил мураккаб механизмларнинг бенуқсон ишлашини таъминлаётгани боисидан у чорвадорлар ҳурматига сазовор бўлмоқда. Унинг умр йўлдоши Хамро опа ҳам хўжаликнинг илғор сут соғувчиларидан бири. Бу оилада вояга етган, ота-онаси изидан бориб, сут соғувчиликдек шарафли касбни танлаган қизлари Омина ҳам меҳнатсевар бўлиб етишди. Бундан икки йил муқаддам фермага ишга келган Омина онаси Хамро опадан молларни парваришлаш, говмушлардан мўл ва серқаймоқ сут соғиб олиш сирларини пухта эгаллаб олди. Эндиликда унинг номи ҳам илғор сут соғувчилар қаторида тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Тенгдошлари орасида катта обрў қозонди.

Халқимизда «Интилганга толе ёр» деган нақл бор. Буни ёш сут соғувчи Омина Эгамназарованинг ҳаёти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мустақил иш бошлаган дастлабки йилда ўзига бириктилган говмушларнинг ҳар биридан 3.200 килограммдан сут соғиб олган қиз ўтган йили бу кўрсаткични 3440 килограммга етказишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда райондаги колхоз ва совхозларнинг бир группа илғор сут соғувчилари говмушлар маҳсулдорлигини оширишда рекорд кўрсаткичларга эришиш, ҳар бир сигирдан 4.500—5000 килограммдан сут соғиб олиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Улар орасида ёш сут соғувчи Омина ҳам бор.

— Юбилей йилида ўзимга биркитилган 22 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганман, — дейди Омина. — Ана шу юксак ваъдамнинг устидан чиқиш учун бутун имкониятларимни ишга соламан...

**М. ПЕЙСЕНОВ.**

